

Фаоллар йнгилиши муҳо
кама этилган масала юзаси
дан тегишли қарор қабул
қилди.

(ЎЗА—ҚКАА).

ПАХТАКОР ЖАСОРАТИ

○ Андижонлик миришкорлар 128 минг 834 гектар майдонда пахта етиштириш учун қизғин кураш олиб бордилар. Сафарбарлик туфайли 352 минг тонналик хирмон бунёд этилди. Ҳосилдорлик гектарига 27,5 центнерни ташкил этди. Ҳом ашёнинг 80 фоизи юқори навларга тошмирланди.



Мансур СУЛТОНОВ,
Андижон вилояти деҳқончилик-саноат уюшмаси раиси

кўтарди ва вилоят ҳоқимининг фахрий ёрлиғи ва эсдалик совғасига мушарраф бўлди.

Шахрихонлик қариялар эса мурожаатнома билан чиқиб ўзлари «Олтин водий» жамоа хўжалиги пахтазорлари сари отланишди. Жононбек ота Арабов, Абдулжон ота Холдиров, Солиқжон ота Абдураҳмонов, Қўчқорбой ота Азимов, Жоркинбой ота Абдуллаев, Акбарали ота Қимсанов каби фахрийлар андижонликларга ҳос гурур, гайрат-шижоат билан нўрат кўрсатишди.

Пахтачиликдагина эмас, қишлоқ хўжалигининг барча жаҳаларида иқтисодий ислохотнинг илк самаралари кўзга яққол ташланаётди. Белгиланган режани адо этиш билангина қифолланган бўлмас, мўл-кўлчиликни вужудга келтири олимайиз. Шунинг учун ҳам имкон борича ташаббус қўйиш зарур. Энг муҳими маҳсулот етиштиришни қўлайлаштириш, сифатини яхшилаш билан хариддорларнинг олиширишидир. Давлатга 4550 тонна (режадан 200 тонна кўп) пилла, 43.402 тонна (режадан 402 тонна кўп) дов, 35.710 тонна (режадан 1710 тонна кўп) мева сотилди. Демак, иқтисодий оғли ёндошув шаклланипти.

Пахта уруғчилигидаги муаммолар ҳали тўғал ечи-



Комсомолобод туманидаги «Шахрихон» ширкатлар уюшмаси зарунослари бу йил 2380 гектар ерда деҳқончилик қилишиб, ҳосилни нес-нубуд қилмай саранжом-лаб олишда жонбозлик кўрсатдилар. Йигит-терининг энг қизғин кунларида дала-ларда 37 та зангори кема унумли ишлатилди.

СУРАТДА: 2-ширкат бошлиғи Нейматов Қосимов, 5-бригада бошлиғи Қосимжон Тожибоев, ширкатлар уюшмаси раҳбари Турсунбой Қўзиев, деҳқончилик-саноат уюшмаси бошқаруви раиси Алишер Холмқуловлар далада.

Х. АРАББОВ
олган суратлар.

ЕТТИ ИШ КУНИДА

Ҳисоб-китоб пухта бўлса, мақсадга эришиш аниқ кўчади. Биз Ўзбекистонда хизмат кўрсатган пахтакор Абдурахим ака Давронов мисолида бунинг яққол кўрдик. Етти ўлчаб бир кесидиган, ўн ўлчаб бир фирк ташлайдиган деҳқон. Терим бошлангачи арафасида район пахтакорларининг маслаҳат йигини шу бригада дала

райрат қиласизлар. Қўп-ларни доғда қолдирамиз», — деди.

Машиналаримизни пайкалга олиб чиқдик. Бригадир биз учун ҳамма шароитни яратиб берди. Ҳосил мўл. Хумордан чиқиб пахта тер-сак бўлади. Шундай қилдик. Кунига ўн беш фозга етказиб пахта тошмирла бошладик. Суръат шу қадар кўтарилдики, бир кунда ўнлаб бригадаларни орта қолдириб кетдик. Етти иш куниде йиллик режа банарилди. Ҳар гектар майдондан 30 центнердан аъло навли

ҳосил йиғиштириб олинди.

Машини теримнинг афзаллиги шунда бўлдики, юз фоз пахта бункерлардан тўкилди. Аёлларнинг қўл-ларини чаноқ тилмади, вақт тежалди, катта маблағ иқтисод қилинди, овозагарчи-лик бўлмади. Режани бака-риб ўзимизча ҳисоб-китоб қилдик. Машинида терилган 195 тонна пахта кўл кучи билан йиғиштириб олинган-да кам деганда бир ой мўддат керак бўларди. Қўлда терилган ҳосилнинг ки-лограммига 25 сўмдан тў-ланганида 4 миллион 875

минг сўм сарфланар эди. Бизга эса 1 миллион 400 минг сўм иш ҳақи тўланапти. Бо-рингки, ениги ва бошқа ха-ражатларга 435 миң сўм хариклади, десак эди 3 миллион сўм тежаб қолди-ди. Мана шу маблағ энди йил охирида бригада аъзо-ларига қўшимча ҳақ сифати-да тақсимлаб берилди. Ма-на, аниқ ҳисоб-китоб билан ишлангичи фойдаси.

Энг муҳими, мавсум дав-рида техника деҳқоннинг ҳа-қиқий мададкори эканини амалда кўрсатишга муваф-фақ бўлдик.

Отабек ҚОСИМОВ,
Далабек ҚОСИМОВ,
Шахрихон районидagi
«Ўзбекистон» жамоа хў-
жалигининг механизатор-
лари.

АХДИГА ВАФОДОР МАРДИ МАЙДОН АНДИЖОН

МЕХНАТГА ЯРАША ДАРОМАД

● Булоқбошлиқлар ви-лоят пахта хирмонига 12.300 тонна қимматбаҳо хом ашёлари билан ҳисса қўшиб, маррага етиб кел-дилар. Улар режани 110 фозга адо этдилар.

Бозор иқтисодиёти даврида тадбиркорона ишлаганча бо-рини ҳам бой бериб қўйиш ҳисобга эмас. Хўжалигимиз раёнда пешқадамлик қила-тир. Йиллик режа 110 фоздан ошиб кетди. Ишбилармон Ортиқжон Исомидинов бош-лик бригада пахтакорлари ҳо-силдорлики гектарига 36 центнерга, Қамбарали Юсупов, Ҳамза Ҳамроқулов етакчили-ки қилишган бригадалар эса 33 центнердан етказишди. Бу режада белгилангандан 6—7 центнер кўп.

Тўғри, ер ҳам ҳар хил бў-лади. Лекин ҳамма нарсаси ме-хнатга боғлиқ. Ҳозирги деҳқон-нинг энг асосий вазифаси ҳо-силдорлигини кўтаришдир. Бу-зи қишлоқ хўжалигида тўб иқтисодий ислохотларни амал-

га ошириб бўлмайди. Аввал-лари ҳам шу ерларда пахта етиштирилган. Негадир ҳосил-дорлик юқори бўлмас эди. Мана, бир неча йилдирки, ижара усулига ўтганимиз.

Бу йил бир гектар ерда ҳо-сил етиштирдик. Мен ҳам режани бажариб қўйиб, 30 центнерлик ҳосил билан ки-лограмман бўлаверарди. Аммо яхши ҳосил яратиб, унинг бир мисқилини ҳам исроф қилмай териб олиш ҳаракати-ни қилдик. Меҳнатни зое кетмади. Ҳосилдорлики гек-тарига 40 центнерга етказдик. Терим пайтининг ўзида 150 минг сўмга яқин иш ҳақи ол-дик. Келаси йили ҳосилдор-лики 45 центнерга етказиш нияти бор. Ҳа, меҳр билан меҳнат қилсанг даромад ҳам кўпаяверади.

Бибиқожа ХОЛИҚОВА,
Булоқбош районидagi Ой-
бек номи жамоа хўжалиги
ижарачиси.



● СУРАТДА: Олтинқўл райо-
нидаги «Олтинқўл» жамоа хў-
жалиги чевар теримчиси Ор-
тиқжон Ҳақимов.



● Шахрихон районидagi
«Сардср» жамоа хўжалиги
кўпмингкилограммчиси Қумуш-
хон Ординов.

лиш дангасалик билан ба-рорбап гап. Ижон борича кўпроқ ҳосил олиш, сама-раддорлигини кўтариш билан-гина ислохотларни амалга ошириш мумкин. Қолган ҳосилдорлигини қайта чама-лаб чиқдик. Ҳар гектар майдон-дан яна 10 центнердан ҳо-сил йиғиштириб олишга ҳол-бўғладик.

Қодиржон ҒУЛОМОВ,
Бўз районидagi «Гулис-
тон» жамоа хўжалигининг
бригада бошлиғи.

фишева, Сорахон Маматқулова, Турсун-
ов Маматова, Жамилхон Уматовлар са-
фига ирилдик. Пахтазор юлдузлари бў-
лгани бу теримчилар билан ғойибона бе-
лашлиқ пахта тердим. Назаримда улардан ўтиб ҳам кетдим. Районимиз-
нинг катта хирмонига ниятдангидан ҳам
зиёда улуш қўшганимдан бахтиёрман.
Мақсадим 10 тонна териб эди. Ҳозир-
гача етказдан тўқан пахта 11 тонна-
дан ошиб кетди.

Бугун меҳнатим—ифтихорим, деб
баралла айтишга ҳақлиман. Чунки, жон
Андижонимнинг 352 минг тонналик пах-
та хирмонига меннинг ҳам ҳиссам, бар-
моқ изларим, қалб ҳароратим бор. Ма-
на шунинг ўзидан қувончим ичимга си-
майди.

Санобархон ДАВЛАТОВА,
Марҳамат районидagi «Машғал» жа-
моа хўжалигининг кўпмингкилограмм-
чи теримчиси.

ҳосил яратдилар: меҳнатнинг ажойиб
намуналарини намойиш этдилар.

Ҳар кун бир эмас, ўнлаб ҳайратомуз
янгилликларни эшитиб, руҳланиб меҳ-
нат қилдик. Марҳаматнинг шаъни учун
курашдик. Терим эгини бошлангичи
билан Мадумар Тожибоев номи жамоа
хўжалигининг Абдурахмон ака Мирза-
қулов бошлиқ бригадаси маррага етгани
ҳақидаги хушхабарни эшитдик. Кечаги-
на Бобур номи жамоа хўжалиги ижа-
рачиси Набижон ака Мамарасулов ҳо-
силдорлики 59 центнердан ошгани-
дан бошимиз осмонга етди.

Мен ҳам мавсум бошдаёқ районимиз
хирмонига ариғлик ҳисса қўйишни
кўнглимга туғиб теримга тушган эдим.
Йлор теримчилар эришгаётган натижа-
ларни кузатиб бордим. Бошқа хўжалик-
ларда меҳнат қилаётган Кимёхон Су-

номи дoston бўлиб кетарди.
Бу йил ҳам худди шундай
бўлди. Ижарачилар, брига-
далар гуруҳ-гуруҳ бўлиб
маррага етиб келишди.

Бизнинг деҳқонларимиз
ҳам пешқадамлар сафиди
боришди. Теримга ҳар то-
монлама пухта ҳозирлик
билан киришдик. Ғўзалари-
мизни машинабон қилиб ў-
тирдик. Ҳосилнинг 60—70

фоизи очилгандан кейин те-
римни бошладик. Машини
билан биринчи теримдаёқ 27
центнердан ҳосил йиғишти-
риб олдик.

Йиллик режани 253 тон-
налик хирмон яратиб билан
адо этган эдик. Ҳосилдорлик
ўттиз центнер атрофида бўл-
ганди. Ҳозирги иқтисодий
ислохотлар даврида режа
бажариш билан чекланиб қо-

НАҚД БОЙЛИК

● Бўзликлар вилоятда
биринчи бўлиб маррага
етиб келган эдилар. Ўшан-
да уларнинг ялли хирмо-
ни 24100 тоннадан ошган
бўлса, ҳозир уни 26 минг
тоннага етказиш ниятида
курашмоқда. Улар ҳо-
силнинг ярмидан зиятини
машиналар ёрдамида те-
риб олишди.

Районимиз бу йилги пах-
та ҳосилдорлигини

та мавсумида аввалги йил-
лардаги шуҳратини тиклади.
Терим ушқоқлик, сафар-
барлик билан бошланди ва
изчил давом этди. Октябрь
нинг ўрталарида шиддатли
тус олди, қисқа муддатда
йиллик режа адо этилди.
Бундан ўн-ўн беш йиллар
муқаддам шундай манзара
кўп тақрорларан эди. Ўшан-
да чўқулар суворийлар

Марҳамат азалдан кўпмингкило-
граммчи чевар теримчилар юр-
ти. Эллигинчи йиллар охирида Мўттихон
бугун Ўзбекистонга довг таратган эди.
Сақонинчи йиллар бошида Аломатхон
майдонга чиқди. Ўшанда Марҳаматнинг
довруғи дилларни хушнуд этиб, қалба-
римизга руҳ бағишланган эди. Бу йил-
ги мавсум ҳам ўша йиллар шуҳратини
ёлға солди. Баҳорда минглаб гектар
майдонларга қайта-қайта чигит экилиши-
га қарамай юртдошларимиз баранали



● Марҳаматликлар ялли хир-
монни 19950 тонна ўрнига 23000
тоннадан ошириб, вилоятда кар-
вонбоши бўлдилар. Ялли ҳосил-
нинг 94 фозини биринчи навга то-
шмирланди. Сўнгги мисқилларни
йиғиштириб олиш учун бошланган
сафарбарлик давом этмоқда.

Марҳамат азалдан кўпмингкило-
граммчи чевар теримчилар юр-
ти. Эллигинчи йиллар охирида Мўттихон
бугун Ўзбекистонга довг таратган эди.
Сақонинчи йиллар бошида Аломатхон
майдонга чиқди. Ўшанда Марҳаматнинг
довруғи дилларни хушнуд этиб, қалба-
римизга руҳ бағишланган эди. Бу йил-
ги мавсум ҳам ўша йиллар шуҳратини
ёлға солди. Баҳорда минглаб гектар
майдонларга қайта-қайта чигит экилиши-
га қарамай юртдошларимиз баранали

ИНТИЛГАН МУРОДГА ЕТАР

● Олтинқўлликлар 7388 гектар майдонда хирмон
навли пахта ҳосили етиштирдилар. Ялли хирмон
23 минг тоннага ташкил этди. Унинг 92 фозини юқо-
ри навларга тошмирланди. 7100 тонна уруғлик
пахта тайёрланди.

Одамларнинг руҳи соғлом, нияти пок бўлса ҳар қан-
дай машаққатни енгиб ўтади, муроди ҳосил бўлади.
Жамоамиз меҳнаткашларида йил бошидан аниқ шундай
кайфият устиворлик қилди. Чигит экиш, дастлабки пар-
варшиш даври жуда оғир ўтди. Аммо ҳеч ким умидсиз-
лангани йўқ. Ҳамма ўз бурчини, вазифасини аниқла-
шда меҳнат қилверди. Ҳатто қайта экилган майдон-
римизда ҳам юқори ҳосил тўплашга муваффақ бўлдик.
231 гектар майдоннинг гектаридан 30 центнердан ош-
та тошмирли, йиллик режани вилоятда биринчи бўлиб
жагарган эдик. Ҳозирда режани 125 фозга етказиш ара-
фасида турибмиз. 347 ўрнига 452 тонна уруғлик пахта то-
шмирдик. Шу уруғликнинг ўзи учун давлат бизга 5 ми-
ллон сўм қўшимча ҳақ беради.

Терим даврини жуда ушқоқлик ва сафарбарлик билан
ўтказдик. Ҳар кун ўрта ҳисобда 759—800 теримчи юқо-
ри уном билан ишлаш натижасида 5—6 фоз пахта те-
риб тошмирлашга эришдик. Теримчилар, ижарачилар, бри-
гадалар рағбатлантириб турилди. Ҳар беш кунда терим
суръатига яқун ясаб бордик. Биринчи ўрнини олган
бригада жамоасини 30 минг сўм, иккинчи ўриндагисини
эса 20 минг сўм пул билан тақдирлаб турдик. Мана шу-
ларнинг натижасида бир ҳамла билан йиллик маррага
етиб олдик.

Энг муҳими теримчиларга имкониятимиз даражасида
қўлай шароит яратибна интилдик. Яхши ишлаганлар-
нинг моддий манфаатдорлиги ҳам юқори бўлди, албатта.
Бунинг йлор теримчи Ширмоний Турғунов мисолида
яққол кўриш мумкин. У теримнинг қизғин палласида
ўн кунда 1377 килограмм пахта териб, 34 минг 425 сўм
иш ҳақи олди. Муҳаббатхон Қамбарова эса 1327 кило-
грамм териб, ўн кунлик иш ҳақини 33 минг 175 сўмга
етказди. Мазкур теримчиларнинг бир ойлик иш ҳақини
шу йўсунда ҳисоблайдиган бўлсак, 100 минг сўмдан
ошиб кетди.

Қўнғилдан ишлашга нима етсин. Юзингиз ёруғ, қўн-
лингиз равшан бўлади, меҳнатнингиздан зақиланасиз. То-
жикиржа Ҳасанов, Қамбарович Сатторовлар ҳосилдор-
лики 35 центнерданга етказишди, туманимизда биринчи
бўлиб маррага етиб келишган эди. Мана бугун эса ҳар
икки бригада 40 центнерлик маррани ҳам ишғол этди.
Бундан қувонмай бўладими. Бошқа бригадаларимиз ҳам
шу юксаликка етиш ниятида тўхтовсиз ҳаракат қилиш-
пти.

Машаққатли меҳнатнинг пировард натижаси қанақа
бўлади, деган савол туғилиши табиий, албатта. Очқ-
тишим мумкин. Самара қутилганидан ҳам зиёда бўлади.
Режани бажаришимиз биланон пахтачиликдан назарда
тутганимиз 86 ўрнига 92 миллион сўм даромад қилдик.
Ҳозир эса бу даромаднинг 125 миллионга етказмоқчимиз.
Имомон қомилчи, бу мақсадга ҳам етامي.

Ниятларимиз жуда катта. Биргина пахтачиликдагина
эмас, бошқа барча тармоқларда ҳам жорий йилимизни
яхши яқунлаймиз. Қишлоқ хўжалигида иқтисодий ислохот
сари қадам қўйган эканмиз, бу йилги ютуқларимиз ани
шу ниятнинг дебосчаси бўлади.

Нуриддин ҒУЛОМОВ,
Олтинқўл районидagi «Андижон» жамоа хўжалиги бош-
қаруви раиси.

ЖИГАРЛАРИМ

Баҳор эди... Далангизда селлар оқди.
Туфонидан ўркач-ўркач ерлар оқди.
Хаҳ алам-а, ўқиб-ўқиб диллар оқди.
Хорманг энди, андижонлик жигарларим.

Жароҳат ҳам битиб кетди доғи бе-
ди.
Лаб очмаган чаноқларда оғи қилди.
Сиздан ана, оқ оқиллар тоғи қолди.
Хорманг энди, андижонлик жигарларим.

Саратонда юзларингиз қирмиш бўлди.
Бардошингиз синаовларда темир бўлди.
Заҳматингиз хўп ажойиб умр бўлди.
Хорманг энди, андижонлик жигарларим.

Тиним билмай пайкаларини айландирингиз.
Баҳору ёз ғўзаларга боиландирингиз.
Теримга ҳам шер мисоли шайландирингиз.
Хорманг энди, андижонлик жигарларим.

«Анжан» деган тилингиздан ўргиларин.
Ғурур тўла дилингиздан ўргиларин.
Олтин топар қўлингиздан ўргиларин.
Хорманг энди, андижонлик жигарларим.

Улғу Бобур битган муноси ғазалдайсин.
Чўлпон ёниб таърифлаган ғўзалдайсин.
Деҳқонликда ўшал рузи азалдайсин.
Хорманг энди, андижонлик жигарларим!

Абдухалил ҚОРАБОВ.

• Бозор шароитида хўжалик юритиш

куётган муаммолар ҳам
еди ҳайратшуд оқидан
— «Авалло отарларни сув
таъминлаш масаласини
кам. Насослар ёрдамида қу-
вув чиқариш ёки 80—100
мфага ҳақ кунчи сув таший
та туяшати. Вагон уйлار,
риаллари ҳам ниҳоятда за-
дан, ҳозир бирининг ёрда-
ми ўтирадиган давр эмас.
ки корхоналарни ривожлан-
ишарасалари маҳсулот
ҳисобига олиб келмоқчи-
ни одамлариязининг эр-
булган ишончи мустаҳкам!
аманидаги «Қорақўл» дав-
дан қайтаётганимизда ҳа-
ш қайта жамол қўрсати-
ларда ёйилиб ўтлаётган
тун боқамиз. Садоятли,
и яйлов даргалари борги
кўпалвердаи, деган
изидан ўтди. Оқидна эса
ертавиши кунлари.

• Мирғис ҚАЙМОН.

Раҳмат Файзий таваллудининг 75 йиллигига

УСТОЗ ИБРАТИ

Яқинда бир хонаки суҳбатда Ўзбекистон халқ рассоми Алишер Мирзаев ҳамаси бундан ўн беш йиллар илгари воқеани эслатди.

— Республика ёш ижодкорларининг Мирзиёда бўлиб ўтган семинар-кеңашининг ёдингизми? — деб сўради у. Бу йилнинг ёш ижодкор хилолилар, муассирлар бастакорлар, метамору кино санъати ижодкорларининг таълиф этилган, уни бошқарган Ўзбекистон халқ ёзувчиси Раҳмат Файзийдан илтимос қилинган эди.

— Нима эди, Алишер? — ҳаётимда ўша уч кунлик воқеаларни жонлантиришга уриндим.

Раҳмат ака семинарни очатириб, бир ҳикматли гапни айтган эдилар, умр бўйи унутмасам керак! — сўзидан давом этди у. — «Адабиёт майдони, санъат олами пок-киза даргоҳ. Қўлга қалам олишдан олдин покликни ва фақат поккиза нарсаларни ёзаман деб қасам иччи керак. Шунинг учун сизлар ҳақиқий санъат асарини яратмоқчи бўлсангизлар, маънавийатининг бойлиги, миллий маданиятининг анъаналарини давом эттиришни истасангизлар, аввало ўзингизни пок қилинг. Шунда халқимизнинг муносиб санъаткорлари бўлиб етишасиз», деган эдилар...

Раҳмат аканинг ўзлари ҳам доим поккиза қилиниб, ораста бўлиб юрардилар. Бир кун қазил аралаш сўрадим:

— Сизни кўрган одам олтишдан ошганингизга сира ишонгиси келмайди, дедим. Ўзларига хос, чиройли кулимсраб, устоз ҳам қазил аралаш жавоб қилдилар.

— Китобнинг муқовасига қараб баҳо бермайдилар, мулла Наримон, — дедилар топишмоқ айтаётгандек сирли оҳанда. — Китобнинг муқоваси раҳматли чиройли бўлиши мумкин. Ҳамма гапнинг ичидан маъмулда. Менинг ҳам дардларим ичинда. Уни ўзимдан бошқа ҳеч ким билмайди. Вақт бора-бора ўз кучини кўрсатар экан... Шунинг учун менинг ёшимга борганингизда биласиз.

Нақадар оқилона фикрларини, нима ёшим олтишдан ошгандан кейин сезиб турибман.

Раҳмат ака билан қариб йигирма йил ижодий ҳамкорликда бўлдим. Мен «Гулхан» журналида саркоб, у киши тахир ҳайъатининг аъзоси эди. Деярли ҳар бир сонда ёшларнинг ҳикоялари, баъзан эса кичик киссалари босиларди. Уларни Раҳмат ака, Шухрат ака ва Ҳасан Назирга ўқитиб олардик. Устозлар ҳар бир ёш наламанинг янги ўтказилган низодек авайлаб-асрашар, маслаҳатлар беришар, лозим бўлса асарига қалам уриб, тахир қилишарди.

Эсимда. 1961 йили ёнда бир гуруҳ комсомол-ёшлар билан Чехословакияга саёҳат қилдик. Юсак Татра

ўрмонларида юз берган бир воқеани йўл бошловчи-таржимонимиз Янино ҳикоя қилганида кўпларимизнинг кўзинизга ёш келди. Ўн ёшлар ҳамасидаги бир бола партизанлар ичидан юрар экан. Бир кун фашист кийимини кийиб, разведкага кетаётган ўз отасини билмай отиб қўйди...

Мен шу воқеани ҳикоя қилиб ёздим-да, Раҳмат акадан ўқиб беришларини илтимос қилдим. Орадан уч кун ўтгач, устознинг ўзлари редакцияга ҳалжон билан кириб келдилар.

— Бир ўтиришда ўқиб чиқдим, — дедилар қўл-магани қайтариб бераётиб, — ўйлаб кўринг, ҳикоя учун «юки» кўп. Повесть қилса ҳам бўлади. Яхши асар чиқади, — деб кўнгилни кўтардилар.

Раҳмат аканинг яна бир олижаноб одавлари бўлиб, дилларига ёқиб қолган одамни ҳамиша эсдан чиқармас эдилар. «Ая» деб шухрат топган Лутфиҳоним Саримсоқова ана шундай эъзога сазовор бўлган онахон эди.

Бир кун соат кундузги учларда телефон жиринглаб қолди. Дастанки кўтарсам, Раҳмат аканинг овози.

— Кечкурун вақтингиз қанақа? — деб сўрадилар одадига салом-алидан кейин. Мен бемалоллигини айтдим. — Ундай бўлса, тайёрланиб туринг. Салт олтида машина бўлади. «Халқобод»га борамиз. Ота



фильмин кўрмоқчилар, ая ҳам бўладилар... Ота деганлари уч марта Меҳнат Ҳаҳрамони Ҳамроқул Турсунқулов эди. Гап давлат муқоватига номзоди қўйилган «Сен етим эмассан» фильми ҳақида борарди.

Отанинг колхозиди фильми муҳоамаси катта таътана билан ўтди. Бир пилла чой устиди Ҳамроқул ана ижодкорлар шаънига илқ гапларни айтиб, Раҳмат акага юзланди.

— Катта савобли иш бўлибди, халқимизнинг гўдакларларининг дунё биллиб қўйсини, — деди ота саломлашиб. — Китобини ўқиган эдим, лекин киноси жуда тасирли чиқибди, раҳмат сизга!

Раҳмат ака ўринларидан туриб, қўлларини кўксиларига қўйиб, алин кўрсатдилар: «Ҳамма хизмат шулариники», дедилар.

Адиб қалбиди дунёни асрайди, дедик унинг кимлиги ана шу дунёсига боғлиқ. Раҳмат аканинг «Тўёна», «Улғайиш», «Биринчи баҳор» каби очерклари, болалар учун ёзилган «Ҳаётнинг туғилган кунини», «Биринчи хат» ҳикоялар туғилмади, «Чўлга баҳор келди» қиссаси, «Ҳазрати инсон» романи, «Сен етим эмассан» ва «Ер-ер» киноасарларида ўзбекона урф-одатлар, ўзлари каби поклик сарчасмасидан сув ичган халқимизнинг асл фарзандлари образлари маҳорат билан яратилган. Назаримда, Раҳмат ака асарлари ҳаҳрамонларнинг юзи-

дан нур ёғилиб тургандай туюлади.

Устоз таваллудининг 75 йиллиги муносабати билан жойларда ҳозир тайёргарлик кетишти. У кишининг янаги Ўзбекистонимизни мустақил қўриш эди. Ишюолло, шу кунларга ҳам етиб келдик. Шу муборак айёмда устоз хотирасини эста олиб, шоғирдлари номидан руҳи покларига таъзия қиламан.

Наримон ОРИФЖОНОВ, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими.

Ушбу сурат республика ёш ижодкорлари семинар-кеңашини очилиши арафасида олинган.

Е. БОТИРОВ олган сурат.

ЖАМОА, ДАВЛАТ, ШИРКАТ ХУЖАЛИКЛАРИ РАҲБАРЛАРИ, ФЕРМЕРЛАР ВА БОҒДОРЧИЛИККА ҚИЗИҚУВЧИ БАРЧА ФУҚАРОЛАР ДИҚҚАТИГА!

МЕВАЛИ ДАРАХТ КЎЧАТЛАРИ КЕРАКМИ?

МАРҲАМАТИ

Она заминимиз қадим-қадимдан боғ-роғлар маскани бўлган. Бу мезорлар доғруғи бутун жаҳонга ёйилган. Мамлакатимиз мустақил бўлгач, ўлкамизни яна боғ-роғларга буркаш, ширин-шарбат ноз-неъматлар етиштиришни кўпайтириш имконияти вуҷудга келди. Янги-янги боғ-роғлар яратиш учун энг аввало яхши навли дарахт кўчатлари зарур. Бу борада Сизларга Наманган вилояти Тўрақўрғон туманидаги «Тўрақўрғон» жамоа хўжалигининг кўчатчилик питомниги миришкорлари кўмак беришга тайёрдилар.

Бу масканда ҳозирги пайтда тажриба... боғ-боллар томонидан пайвандланган 1 миллион 300 минг турли мева дарахт кўчатлари тайёрланиб, кўчириб экишга ҳозирлаб қўйилган. Ўркининг «Боғи-шамол», «Шалах» (йирки мева), олманинг «Слава победителям», «Голдиндишест», «Кинг Де-вид», «Голден супер», «Монгол», шафтолининг «Элберт», «Чемпион», нокнинг «Ўрмон гўзали» навлари кўчатларини банк орқали маблағ ўтказиш йўли билан ва нақд пулга

СОТИБ ОЛИШИНГИЗ МУМКИН

Кўчатлар нархи бозор баҳосидан 15—20 фоиз арзон.

Қўшимча маълумотлар учун Тўрақўрғондаги телефон: 8-369-44-21-201.

ТАШКИЛОТЛАР, ҚУШМА КОРХОНАЛАР, БИРЛАШМАЛАР, ХУСУСИЙ ШАХСЛАР

ДИҚҚАТИГА!

Тошкент шаҳридаги ташкилот ҳажми 2.500 квадрат метргача бўлган омборхона биноларини.

ИЖАРАГА БЕРАДИ

Ижара ҳақи келишмади.

Телефонларини: 48-79-38, 48-54-15.

КОРХОНА Тошкент шаҳридаги омбордан

чет элда ишлаб чиқаришга юксак сифатли автосервис

ва таъхисни аниқлаш ускуналарини

СОТАДИ:

— мувозиратли дастгоҳ,

— автосервис учун махсус

гидропрессининг жойла

ростовччи кўтаришчи

шиналарни ўрнат

ва бўшатиб олиш мосла

дентель машин

текириш мосла

— микропроцессорли автосер

— СО, СНИ анн

Хўқ тўлаш усули—турпича.

Олдиндан 100 фоиз ҳўқ тўлаш шарти билан

Тошкентдан буюртмачининг ўзи олиб кетади.

Манзилнинг: 700099, Тошкент шаҳри.

Амир Тўқур кўчаси, 118-уй, 607-хона.

Телефонлар: 34-25-81, 34-66-44.

«СПОРТЛОТО» ВА «СПОРТПРОГНОЗ»

ЛОТЕРЕЯЛАРИ ИШҚИБОЗЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

Спорт лотереялари Ассоциациясига кирувчи республикалар спорт лотереялари корхоналари ягона ҳисоб-ноб қилиш учун маблағ ўтказиш ҳамда «Спортлото» ва «Спортпрогноз» лотереялари бўйича ютуқларни тўлаш имкониятига эга эмаслиги ва келгусида спорт лотереялари Ассоциациясининг бу харажатларни қоплаш учун маблағлари йўқлиги сабабли 1993 йил 49-тиррақ ўйинларидан бошлаб республикалар ҳуқуқиди республикалар «Спортлото» ва «Спортпрогноз» лотерея ўйинларини ўтказишни тўхтатиш тўғрисида Ассоциация бошқармаси қарор қабул қилди.

Ўзбекистон Республикаси спорт лотереялари корхонаси 1993 йил 15 ноябрдан «Спортлото» ва «Спортпрогноз» лотерея билетлари сотишни тўхтатиб туради.

Айни чоғда лотерея ўйинчиларининг илтимоси ва тўлиқларини ҳисобга олган ҳолда, 48-тиррақча илгари тўлиқланган «Спортлото» ва «Спортпрогноз» лотерея билетларининг «ББ» қисмлари ҳамма жойда «Ўзсеп» корхонаси томонидан қабул қилинади.

1993 йил 47-тиррақдан бошлаб, ютуқлар Ассоциация бўйича ахлит аниқланмасдан, «Ў» корхонасига текириш учун тушган вариантлар, кўра фақат Ўзбекистон Республикаси бўйича ди.

Ўзбекистон Республикаси «Ўзспорт» лотереялари корхонаси.

«Қишлоқ ҳақиқати» гаетаси жамоаси рининг собиқ бўлим мудир

Талғат СОЛИЕВнинг бевақт вафот этганлиги муносабати билан мининг оила аъзолари, ёру биродарларига чуқузия билдиради.

«Қишлоқ ҳақиқати» гаетаси жамоаси габири Ҳосил Каримовга онаси

ШАРИФА аянинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

ДИЛКАШ КИШИЛАР МАСКАНИ

Танқас дарёсининг бош ўзани ва Ҳисор тоғи этагидида жойлашган Чопиқ, Жоноя, Алма-ти, Косатарош, Қаратўт, Чуқуркишлоқ каби қатор қишлоқлар ўзининг бекиёс табиий гўзаллиги, баҳаволиги, кишиларнинг дилқашлиги билан бошқа қишлоқлардан ажралиб туради. Айниқса, баҳор, ёз, куз фаслларида бу қишлоқларнинг жамолини таърифлашга тил оқимлик қилади. Салобатли, залворли Ҳисор тоғи этагидида гулгун бу қишлоқларнинг узок тарихи ва ўтмиши ҳақи ҳикимга маълум эмас, эҳтимолки, бу ерларда неча юз йиллик тарих яшириниб ётган.

Қоя тошлар орасидаги биринчи қишлоқ номи «Косатарош», 85 йиллик кекса отахон Мулла Худойберди бобо сўзларига кўра, «Качонки, мағаниликлар шу қишлоққа кўчиб келгандан сал кейинроқ «Косатарош» номи билан юртикча бошланган, Чунки кўчиб келганларнинг асарияти хунарманд усталар бўлган. Қадим замонлардан қим қишлоқларга шу қишлоқнинг қўли гул, муҳир усталари томонидан юксак дил билан ишланган чиройли ва нафис заранг дарахти ёғочидан тайёрланган ҳар хил ҳажмдаги косалар, пилвалар, қошиқлар, лаганлар, ил йигирув қурилмалари, баланд-

ликка суя чиқарувчи паррақлар, сандал-у сандилар, отлар учун ясалган пишқиқ эгарлар, қолаверса, сэйкал бериб ишланган сопол идишлар, сополдан ясалган суя қувурлар, туғдана дарахти ёғочидан ишланган бешиқчалари билан воҳа кишиларини лол қолдирган хунармандлар қишлоғи бўлган.

Косатарошдан тахминан беш чақирим юқорига юрсангиз Чопиқ қишлоғига етасиз. Ерлик аҳолини қишлоқ номининг келиб чиқиш ҳақидаги фикрларини тўлиқчади. Бир гуруҳ кишиларнинг фикрига кўра, бу қишлоқда биринчи кўчиб келган кишини номи Арбобжоник бўлган, дейдилар. Иккинчи гуруҳ кишиларнинг фикрига кўра, қадим замонларда бу қишлоқ бошқа номлар билан аталган бўлиши керак. Чунки қишлоқ босқинчи душманлар томонидан забт этилгач, аҳоли қирғинга учраб қишлоқ номи «Чопиқ», яъни чопиб ташланган қишлоқ деб атай бошлаганлар.

Бу қирғиннинг сабабини топиш изохлайдилар. Бирок бекиликка олиқ-соллиқ тўламаганини учун деса, бошқа бировлари босқинчи душманга қаттиқ қаршилиқ кўрсатгани учун дейди.

Самад ХУДОЙНАЗАРОВ.

ОБУНА УЧУН ҲАШАР

Олот туманининг Файзқула Хўжаев номидаги жамоа хўжалиги, Пешку туман ишлаб чиқариш-таъмирлаш корхонаси, Бўхоро тиббиёт институтининг пахта йнғим теринида иштирок этаётган талаба ва ўқитувчилари тушган маблағини обунга сарфлаш мақсадида шаба-

лик ўтказиш таъаббуси билан чиқди. Ҳашарда талайгина пул ишлаб топилди. Натигажа «Халқ сўзи», «Правда Востока», «Ўзбекистон овози», «Қишлоқ ҳақиқати», шунингдек, вилоят ва туман рўзномаларига обуна бўлувчилар қўлайди.

(ЎзА).

Тўрт нарсаси кўнгилдаги орзуларини рўёбга чиқаради:

— гайрат, шижоат, матонат ва ҳиммат.

Тўрт нарсаси тадбиркорлик белгисидир:

— Бошга тушган оғирлиқни сабру тоқат ва тадбир билан енгиш;

— исрофгарчиликка йўл қўймаслик;

ДОНИШМАНЛАР ДЕЙДИЛАР

— дўстларнинг насиҳат ва маслаҳатларига қулоқ солиш;

— фурсатини қўлдан бермаслик.

Тўрт нарсаси ҳамага маъқул бўлади:

— ҳаё, қаноат, раҳм-шафқат ва муруват.

Тўрт нарсаси одамга роҳат бағишлайди:

— очик юзли, ширин сўзли, тежамли ва гўзал хотин.

Тўрт нарсаси пушаймонлик келтиради:

— қўлдан келмайдиган ишга урinish;

— аяқовлик;

— тоқатсизлик;

— дўстлар насиҳатига ва маслаҳатига қулоқ солмаслик.

КЎРКАМ УЙЛАР

«Сирдарёдеҳқонқурилиш» трести меҳнатқашлари йил бошидан бери режадан ташқари минг квадрат метрдагизид ўй-жойини қўлдан чиқардилар. Мактаб, болалар богчаси ва ошхонаси, библиотекани бинолар ва бошқа объектлар фойдаланишга

(ЎзА).

ҲАМКОРЛИК МЕВАСИ

Бюджет маблағлари етишмаслиги сабабли Жумашўйида автоқозал ва бозордаги савдо расталари қурилиши тугамай ётар эди. Муаммони ҳал этиш йўли топилиди — қурилиш учун туман хўжалиқлари 10 миллион сўмдан, маҳаллий пахта тозалаш заводи 20 миллион, банк 30 миллион пул

Тўловчи:

Шонлиб ШОҲАЙДАР ўғли.

Тўрт нарсасдан узоқда юриш керак:

— қаҳр-ғазабдан, мактанқоқликдан, энгизлик ва таъғабгарчиликдан.

Тўрт нарсаси инсонини фалокатга олиб келади:

— кайф қиладиган ичмлик ичиш;

— зино билан шуғулланиш;

— дилдорлик қилиш;

— қиморбозлик.

Тўрт нарсаси тўрт нарсани олиб келади:

— сукут сақлаш—тинч яшашга;

— яхшилик қилиш—саодатга;

— саховат—улуғлиқка;

— хўшмуомалалик—халқ муҳаббатига.

Тўрт нарсаси одамни барқамол қилади:

— самимий дўстлар маслаҳатларига қулоқ солиш;

— душман билан хўшмуомалада бўлиш;

— анчик сўзини ютиб юбориш;

— нафс орзусини сусайтириш;

Тўрт нарсаси бахт-қийбат дарангисидир:

— меҳр-муҳаббат, вафодорлиқ, мулоимлиқ ва тавозе.

Тўрт нарсаси гумроҳлик белгисидир:

— адоват, ҳасад, ғийбат ва хўннат.

Тўрт нарсасдан ҳазар қилиш керак:

— жоҳиллик, кўрслик, тақаббурлик ва ивбогарликдан.

Тўрт нарсаси тўрт нарсас билан тугайди:

— ахлоқлик — раволик билан;

— ғазаб сочиш — пушаймонлик билан;

— кўпол сўзлаш—қўнгил қолиш билан;

— аяқовлик—хор-зорлик билан.

Тўловчи:

Шонлиб ШОҲАЙДАР ўғли.

ажратди. Янги объектларини бунёд этишга туманининг барча қурилиш ташкилотлари ёрдам беришмоқда. Растадаги янги дўконлар қурилишга ёрдам кўрсатган корхона ва ташкилотларга мулк қилиб берилади.

Қурилиш ишлари йил охирида поёнига етади.

(ЎзА).

Бош муҳаррир Н. ЕҚУБОВ.

Рўнома тахир ҳайъати: Н. ҚАЮМОВ, М. ИСЛОМОВ, М. МИРЗАЕВ, Э. ЗИКРИЕВ, Р. ХУСАНОВ, Ҳ. РАҲМАТИЛЛАЕВ, М. ҚАЮМОВ (бош муҳаррир ўринбосари), С. САЙДАЛИЕВ (бош муҳаррир ўринбосари), О. ҒОФУРОВ (масъул котиб), Н. ОРИФЖОНОВ, Э. ИБРОХИМОВ, Р. БОБОМУҲАМЕДОВ.

МУАССИСАЛАР: ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ВАЗИРЛИГИ, «ЎЗМЕВАСАБЗАВОТ-ЎЗУМСАНОАТИ» КОНЦЕРНИ.

МАНЗИЛГОҲИМИЗ: 700083, ТОШКЕНТ, МАТБУОТЧИЛАР

КЎЧАСИ, 32.

ТЕЛЕФОНЛАР, Мухаррир ўринбосарлари — 33-44-43, 33-16-27. Масъул котиб — 33-09-93. Масъул котиб ўринбосарлари — 32-56-25. Деҳқончилик бўлими — 32-56-35, 32-54-51, 33-09-93. Қайта ишлаш саноати бўлими — 32-56-31. Иккин